# Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот

| | |
|---|---|
| **Ташкилот номи:** | **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** |
| **Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар):** | Қорабоев Боходир Қорабоевич,<br>Комплаенс назорат хизмати бошлиғи |
| **Ҳисобот даври:** | 2022 йил 1-ярим йиллик |
| **Ҳисобот тайёрланган сана:** | 23.06.2022й. |

| Т/р | Тадбир | Натижалар |
|---|---|---|
| **II. Сиёсатлар ва процедуралар** | | |
| 1. | Ички ҳужжатларни мослаштириш | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 225-сон буйруғи билан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди.<br>Транспорт вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;<br>Транспорт вазирлигининигкоррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти.<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 236-сон буйруғи билан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди.<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;.<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари контрагентларини текширишга оид йўриқнома;<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;.<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;<br>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент. |
| 2. | Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги “Транспорт соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга оид янги таҳрирдаги концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги 216-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва Транспорт вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 231-сон ва 2021 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни такомиллаштириш” 135-сон буйруқлари тасдиқланган. |
| **II. Шахсий намуна** | | |
| 3. | Транспорт вазири ва унинг ўринбосарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи). | Транспорт вазири ва ўринбосарлари томонидан вазирлик худудий бошқармалари ва тизими ташкилотлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтадиган йиғилишларда ва ҳайъат йиғилишларда коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши |

| | | |
|---|---|---|
| | | назорат ва тартиб-таомилларга амал қилиниши ҳамда коррупцияни ҳар қандай кўриниши бўлишидан қатъий назар чоралар кўрилиши маълум қилиб келинмоқда. |
| 4. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Транспорт вазири ва унинг ўринбосарларининг номидан). | Ишонч телефон рақами - 1167, (71) 202 22 55, Расмий сайтдаги саҳифа - mintrans.uz/corruption, mintrans.uz/contacts, Электрон почта info@mintrans.uz, Телеграм бот- @MintransAntikor_bot, Facebook саҳифа - https://www.facebook.com /mintrans.uz келиб тушадиган хабар ва мурожаатларни Транспорт вазири ва унинг ўринбосарлари кўриб чиқади ва ижрочига юборилади. Бунда ҳар бир хабар ва мурожаатлар назоратга олинади. |
| 5. | Транспорт вазири ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари. | «Транспорт тизими рақамлаштирилмаслиги коррупцияга йўл очади» мавзусида Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида шу мавзу бўйича маҳаллий ва халқаро соҳа вакиллари ўртасида муҳокамалар бўлиб ўтди. Транспорт вазири ўринбосари Жасур Чориев мамлакат транспорт тизими рақамлашуви борасида ахборот берди. https://mintrans.uz/news/transport-tizimi-raqamlashtirilmasligi-korrupciyaga-jol-ochadi-halqaro-eskpert |
| | **III. Хавф-хатарларни баҳолаш** | |
| 6. | Вазирликда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш | Ҳа ўтказилган |
| 7. | Ҳисобот даври учун Вазирликда иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст). | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 236-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти тасдиқланган. Мазкур услубиёт асосида 2022 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилди. Бунга асосан транспорт вазирлигида 9 та функцияни коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси аниқланди. Бунда 7 та энг кўп мойил, 2 та энг кам мойил ва улардан Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар юқори 2 та, ўрта 1 та, паст 6 та аниқланди. (илова қилинади) |
| 8. | Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирларни ижросини таъминлаш бўйича коррупциявий хавф-хатари мавжуд бўлинмаларга кўрсатма берилди. |
| 9. | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони | Коррупциявий хавф-хатар юқори 22 фоиз |
| 10. | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони | ўрта 11 фоиз, паст 67 фоиз. |
| | **IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар** | |
| 11. | Вазирликда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар | Вазирликда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади. |
| 12. | Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш. | 100 фоиз. |
| 13. | Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони. | 5 та |
| 14. | Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони | Ҳисобот даврида вазирлик ва унинг таркибий бўлинмаларида давлат харидлари (танлов, тендер) амалга оширилмаган. Асосан https://xarid.uzex.uz/home орқалисотиб олинган. Маълумот илова қилинади. |
| 15. | Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар | Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва транспорт прокуратураси билан биргаликда тизим ташкилотларда йиғилиш ва давра суҳбатлари ташкил қилинди. Илова қилинади. |
| | **V. Таълим ва коммуникация** | |
| 16. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш:<br><br>барча ходимлар учун;<br><br>коррупциявий таваккаллчиликка энг кўпроқ мойилилик эхтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар | Транспорт вазирлигида 2021 йил 10 майдаги «Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ғамда унинг олдини олиш» мавзусида масофавий семинар-тренингни ташкил этиш тўғрисида»ги 98-буйруғига асосан вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлар ходимлари ўқитилди. |

| | | |
|---|---|---|
| | учун. | |
| 17. | Вазирликга яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш. | Транспорт вазирлигига қабул қилинган 5 та ходимдан 4 нафари аввал вазирликда ишлаб, тизим ташкилотларида турли лавозимларда ишлаб келган ходимлар бўлгани учун тренинг ташкил этилмади. |
| 18. | Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар | Вазирлик ходимларини коррупцияга қарши қонунчилик талаблари юзасидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар юзасидан ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқиб, ходимлар эътиборига етказиб келинмоқда. |
| 19. | Коррупцияга қарши кураш учун масъуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари. | «Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинголдини олиш» мавзусини мустақил ўқиш учун қўлланма ишлаб чиқилган ва барча ходимларга эътиборига етказилган. |
| 20. | Ходимларнининг аҳлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари хақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари. | Вазирлик ходимларидан иборат вазирлик телеграм каналларида таништириб келинмоқда. |
| 21. | Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш | Шартномаларига коррупцияга қарши қўгшимча шартлар киритилган.<br>7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР<br>7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.<br>7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.<br>7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.<br>7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали)содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш,солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.<br>7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, |

| | | |
|---|---|---|
| | | ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.<br>7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.<br>7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли. |
| **VI. Коррупциявий хатти-харакалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари** | | |
| 22. | Хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, потенциал хатти-ҳаракатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони | Транспорт вазирлигида ҳисобот даврида алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар юзасидан хабар келиб тушмаган. |
| 23. | Хизмат текшируви ўтказилган;<br><br>Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган;<br><br>Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида);<br><br>Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони. | Транспорт вазирлигида ҳисобот даврида 9 та хизмат текшируви ўтказилди.<br><br>Мазкур хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари сўрови асосида ходимлар хатти-ҳаракатлари юзасидан ўтказилган.<br><br>Хизмат текшируви жараёнида аникланган ҳолатлар юзасидан ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларга юборилди.<br><br>Хизмат текшируви давомида собиқ ходимларга ва хозирги кунда ходимларга интизомий чоралар кўрилган. |
| 24. | Қабул қилинган таъсир чоралари. | Ҳолатни келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан таклиф киритилди. |
| **VII. Мониторинг ва назорат** | | |
| 25. | Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги | Транспорт вазирлигининг 2022 йил 2022 йил 18 мартдаги “Хизмат текшируви тайинлаш ҳақида”ги К-75-сон 2022 йил 24-29 март кунлари Сурхондарё вилояти транспорт бошқармасида хизмат текшируви ўтказилди. Мазкур хизмат текшируви давомида бошқарманинг Коррупцияга қарши курашиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ўрганилди. |
| 26. | Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари? | Аниқланмаган. |

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида 2022 йил 1-ярим йилликучун**

**УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот**

Транспорт вазирлиги 2019 йилда ташкил этилгандан буён вазирлик ва тизим корхоналарида коррупция ҳолатларини олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Вазирлик марказий аппаратида Комплаенс назорат хизмати ташкил этилди;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 16 та ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб ва амалиётга жорий қилинди.

Маълумот учун:

*Транспорт вазирлигининг кадрлар сиёсати;*

*Ишга қабул қилиш учун танлов ва лавозимга тайинлаш тартиби; Транспорт вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва унинг тузилмасига кирувчи идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбар кадрларини лавозимларга тайинлаш механизми;*

*Транспорт вазирлиги марказий аппарати, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;*

*Транспорт вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом; Транспорт вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга оид харакатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни ташкил қилиш бўйича йўриқнома;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари контрагентларини текширишга оид йўриқнома;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;*

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;*

Транспорт соҳасида рақамлаштириш ва ахборот технологияларини қўллаш ҳамда инсон омилини қисқартириш орқали коррупцияни олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Булар:

жамоат транспорти учун автоматлаштирилган тўлов тизими йўлга қўйилди;

ҳаво ва темир йўл чипталарини онлайн сотиб олиш тизими яратилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сон қарорига мувофиқ Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очиқ тендерларни электрон тизими яратилди.

темир йўл орқали олиб келинадиган импорт махсулотларини автоматлаштирилган тарзда кузатиб бориш тизими (темир йўл транспорти ташкилотлари томонидан божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги харакати тўғрисидаги маълумотларни божхона органларига реал вақт режимида тақдим этиб бориш) жорий этилди.

Автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш фаолияти бўйича лицензияларни Давлат хизматлари марказлари орқали бериш тартиби йўлга қўйилди.

Транспорт вазирлигида вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа юқори лавозимга ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан илғор халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали” махсус электрон дастури орқали талабгор фуқаролар ва тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг барчасига тенг имкониятлар яратилган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Бунда талабгор фуқаро ҳамда тизимдаги ходим www.vacancy.argos.uz сайтида Транспорт вазирлигининг очиқ танловга эълон қилинган вакант лавозимларга хужжат топшириш имконияти яратилди.

Мазкур тартибга кўра ишга қабул қилиш 3 босқичда амалга оширилади: Саралаш, тест синови ва суҳбат.

Транспорт вазирлиги ва тизим ташкилотларида барча ҳаридлар электрон савдо орқали амалга оширилмоқда.

коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, бартараф этиш йўлга қўйилди.

Транспорт вазирлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупция ҳолатларини ҳабардор қилиш юзасидан Транспорт вазирлигида алоқа каналлари (@MintransAntikor_bot, 1167,

(71) 202 22 55 ишонч телефони, info@mintrans.uz)ташкил этилди.

ходимлар томонидан ички этикет қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;

Ҳисоботим сўнгида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Транспорт вазирлиги томонидан соҳада коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда коррупцияга оид ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тизимли ва таъсирчан чоралар кўрилади.

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши курашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

**II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 225-сон буйруғи қабул қилинди..

**III. Хавф-хатарларни баҳолаш[1]**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги "Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 236-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти тасдиқланган. Мазкур услубиёт асосида 2022 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилди. Бунга асосан транспорт вазирлигида 9 та функцияни коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси аниқланди. Бунда 7 та энг кўп мойил, 2 та энг кам мойил ва улардан Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар юқори 2 та, ўрта 1 та, паст 6 та аниқланди. (илова қилинади)

Баҳолашда қуйидаги коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси аниқланди.

- Тендер таклифлари ҳақиқийлигини текшириш

- Расмийлаштирилган рухсатнома бланкаларини ташувчилар томонидан вазирликка келиб олиб кетиш жараёни

- Автомобиль транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш жараёни

- Автомобиль ташувларини назорат қилишда

- Темир йўл транспортида авария ва ҳалокатларни текшириш

- Давлат харидлари савдосини ташкил этиш ва ўтказиш

- Таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;

- Талабаларнинг олий таълим муассасаларидан ўқишини кўчириш ва тиклаш.

- Авиация ҳалокатлари ва инцидентларини текшириш

Вазирлик учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун қуйидаги тадбирларни таклиф этилди.

- ваколатли органнинг масъул ходими ҳақиқийлигини ўрганишдан олдин тендернинг барча иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни ахборот тизимига киритиш;

- тендер иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ваколатли орган масъул ходимлари келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганишда иштирок этишга йўл қўймаслик;

- таклифлардаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ўрганиш жараёнини очиқ ва шаффоф ташкил этиш мақсадида бошқа ташувчилар кузатувчи сифатида иштирок этишига йўл қўйиш.

- расмийлаштирилган рухсатнома бланкаларини вазирликка келиб олиб кетишни чеклаш.

- расмийлаштирилган лизинг шартномаларини ягона реестрини жорий этиш.

- автотранспорт воситаларининг техник кўрикдан ўтганлигини тизимда автоматик тарзда текшириш.

- бошқармага тегишли норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатларнинг коррупция элементлари мавжудлигини текшириб бориш

- темир йўл транспортида авария ва ҳалокатларни олдини олиш ҳамда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги ҳолатлари ишлари устидан назоратни кучайтириш.

- вазирлик томонидан ҳудудий бошқарма инспекторларини планшет махсус қурилмалар билан тўлиқ таъминлаш;

- бугун кунда электрон шаклда маъмурий баённомаларни расмийлаштириш ва тегишли суд органларига расмийлаштирилган элетрон шаклдаги маъмурий баённомаларни электрон тартибда жўнатишларга йўлга қуйиш;

- тадбиркорлик субъектларни текшириш вақтида аниқланган ҳолатлар батафсил далолатномада акс эттириб ўрнатилган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим қилиш.

- Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш

**IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар**

**Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони , шу жумладан, ишга қабул қилиш 5 та, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида вазирлик марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимлари.

Вазирликда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилмади;

**Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирлик шарномаларига киритиш**

Коррупцияга қарши қоидаларни Вазирликнинг хўжалик шартномаларига коррупцияга қарши қоидалар қуйидагича киритилган.

Шартномаларига коррупцияга қарши кўгшимча шартлар киритилган.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан

боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини

тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари

томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар

берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл

қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай

турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида

таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг

(ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни

содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва

ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш,солиқ

солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга

хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига

ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф

равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад

эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига

қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф

этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга

қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш

ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор

қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб

боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг

манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат

қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар,

ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари

шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда

бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун

воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш

зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун

белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши

қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ

ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган

мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор

қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга

хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф

қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган

тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**Контрагентларни текшириш**

Ҳисобот даврида вазирлик ва унинг таркибий бўлинмаларида давлат харидлари (танлов, тендер) амалга оширилмаган. Асосан https://xarid.uzex.uz/home орқали сотиб олинган. Маълумот илова қилинади.

**Ишга номзодларни текшириш**

Марказий аппаратда ишга кириш учун 5 та номзодлар устидан текширув ўтказилди.

**V. Таълим ва коммуникация**

Транспорт вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги “Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш “ мавзусида масофавий семинар-тренингни ташкил этиш тўғрисида”ги 98-сон буйруқ асосида Автомобиль транспорти ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти томонидан вазирлик ходимларининг Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизими сиёсати ва ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанлиги даражасини аниқлаш юзасидан тест саволлари тузилиб, шаходат синовлари ўтказилди. Тест натижалари бўйича маълумотни (2021 йил 25 июндаги 148/06-сонли хати) тақдим этилди.

**VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар**

Транспорт вазирлигида ҳисобот даврида алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар юзасидан хабар келиб тушмаган.

**VII. Мониторинг ва назорат**[2]

Транспорт вазирлигининг 2022 йил 2022 йил 18 мартдаги “Хизмат текшируви тайинлаш ҳақида”ги К-75-сон 2022 йил 24-29 март кунлари Сурхондарё вилояти транспорт бошқармасида хизмат текшируви ўтказилди. Мазкур хизмат текшируси давомида бошқарманинг Коррупцияга қарши курашиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ўрганилди.

**VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари**

Транспорт вазирлигида ҳисобот даврида 9 та хизмат текшируви ўтказилди.

Мазкур хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари сўрови асосида ходимлар хатти-ҳаракатлари юзасидан ўтказилган.

Хизмат текшируви давомида собиқ ходимларга ва хозирги кунда ходимларга интизомий чоралар кўрилган.

**X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Транспорт вазирлигининг комплаенс назорат хизмати соҳасини рақамлаштирган ҳолда, уларга тизим ходимлари ва ишга қабул қилинаётган шахсларнинг шахсий маълумотлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратиш.

Тегишли маълумотлар марказлари билан интеграциясини таъминлаш. (судланганлиги ва маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, қўшимча даромадлари, мол-мулкларининг ҳаракати ва ҳ.з.)

Бунда, ҳар қандай танлов савдолари комиссияси ва иштирокчиларининг ўзаро алоқадорлигини ва афилланганлигини аниқлаш имкониятини яратишга эътибор қаратиш.

**Комплеанс назорат**
**хизмати бошлиғи** **Б.Қорабоев**